**Махсулотларни етказиб бериш бўйича**
**ШАРТНОМА №1**

**Булоқбоши тумани** **«29» август 2022 йил**

Қуйида имзо чекувчилар, бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи **«ORZU GOLD TEXTIL» ОК** номидан корхона раҳбари **О.Юсупова**, келгусида «Етказиб берувчи» деб номланади, ва иккинчи томондан Низом асосида фаолият юритувчи **«РИО ва РИАТМ АФ»** номидан **Г.Ж.Хакимова**, келгусида «Ҳаридор» деб номланади, мазкур шартномани қуйидаги мазмунда тузидилар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 «Етказиб берувчи» мазкур шартнома бўйича «Ҳаридор»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги маҳсулот(товар)ларини етказиб бериш, «Ҳаридор» эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва маҳсулотлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

| П/п | Товарларнинг номи (ишлар, хизматлар) | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Етказиб бериш нархи |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Комплект постельное белье | комплект | 283 | 162 000 | 45 846 000 |
| 2 | Матрас | комплект | 50 | 347 000 | 17 350 000 |
| | **Жами тўловга: 63 196 000** | | | | |

## 2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 63 196 000 (*олтмиш уч миллион бир юз туксон олти минг*) сўмни ташкил этади.

2.2. «Ҳаридор» мазкур шартнома тузилган кундан бошлаб 10 календар куни ичида Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли карори талабларидан келиб чиқиб тўловлар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% миқдоридаги тўловни товарни олгандан сўнг 10 календарь куни ичида топшириш-қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.3. «Етказиб берувчи» «Ҳаридор»нинг аванс маблағлари «Етказиб берувчи»нинг тегишли ҳисобварагига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарларни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.4. «Ҳаридор» товарларни қабул қилишда «Етказиб берувчи» иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар «Етказиб берувчи» хисобидан амалга оширилади.

2.6. «Ҳаридор»нинг розилигига кўра товарлар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товарлар бевосита «Ҳаридор»нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Етказиб берувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Етказиб бериладиган маҳсулот учун олдиндан хақ тўланишини «Ҳаридор»дан талаб қилиш;

3.1.2. Берилган бюртманомага мувофиқ етказиб берилган товар-махсулотни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Ҳаридор»дан талаб қилиш;

3.2. «Етказиб берувчи» мажбуриятлари:

3.2.1. «Ҳаридор»га маҳсулотни мазкур шартномага мувофиқ миқдор ва муддатда етказиб бериш;

3.2.2. Агар маҳсулотни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл қўйилган бўлса, «Ҳаридор»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 (уч) банк иш куни муддатида бепул тузатиб бериш.

3.3. «Ҳаридор»нинг хуқуқлари:

3.3.1. Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ маҳсулотни етказиб берилишини талаб қилиш;

3.3.2. Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини етказиб берувчидан талаб килиш;

3.4. «Ҳаридор»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Ўз буюртмаси буйича етказиб берилган маҳсулотни мазкур шартномага мувофик кабул килиб олиш.

## 4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик тарзда бажарилиши шарт. Агар томонларнинг ўз зиммаларига қабул килган барча мажбуриятлари бажарилишин таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишининг бир томонлама рад этилишига ёки шартнома шартларининг бир томонлама ўзгартилишига йўл қўйилмайди. (*Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.)*

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Маҳсулотни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган такдирда «Етказиб берувчи» «Ҳаридор»га кечиктирилган хар бир кун учун бажарилмаган мажбурият кисмининг 0,2% микдорида пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулот кийматининг 50%идан ортик бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган маҳсулот учун ўз вактида хак тўланмаганда «Ҳаридор» «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2%и микдорида пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50%идан ортик бўлмаслиги керак.

## 6. ФОРС–МОЖОР

6.1. Ёнгин, сув тошкини, зилзила, ва шу каби бошка ҳолатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг карорлари, шунингдек тегишли ҳужжатлар билан тасдикланган такдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади. Юкоридаги ҳолатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда, томонлар коидага кўра мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Шартнома бузилиб, низолар ўзаро ҳал этилмаган такдирда низолар Ўзбекистон Республикаси Иктисодий судлари оркали ҳал килинади.

## 8. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1. Шартнома томонлар имзолаган кундан кучга кириб, «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

8.2. Шартнома 2 нусхада тузилган булиб, иккиси ҳам тенг юридик кучга эга бўлган ҳолда, 1 нусхаси «Етказиб берувчи»да, 1 нусхаси «Ҳаридор»да сакланади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Етказиб берувчи» | | «Ҳаридор» |
|---|---|---|
| «ORZU GOLD TEXTIL» ОК<br>Манзили: ____________________<br>Ҳ/р: 2020 8000 0054 9391 2001<br>Банки: «Trastbank», ХАВ Андижон филиали<br>МФО: 01074<br>СТИР: 309 267 340<br><br>Раҳбар: ____________ О.Юсупова<br><br>М.Ў. | | РИО ва РИАТМ АФ<br>Манзили: Андижон шахар, Атабекова кўчаси, 5-уй<br>СТИР: 200236959<br>МФО: 00014<br>Ҳ/р: 100021860034017073201054003<br>Банки: Марказий банкнинг Тошкент ш ХККМ<br>Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ғазначилиги<br>Ҳ/р: 23402000300100001010<br>СТИР: 201122919<br><br>Раҳбар: ____________ Г.Ж.Хакимова<br><br>М.Ў. |

Юрист: ____________